САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЎЗИ ОЖИЗЛАР КУТУБХОНАСИ: КЕЧА ВА БУГУН





Насиба Мирзаева,
Самарқанд вилоят Кўзи ожизлар кутубхонасининг методика-библиография бўлими хизмат раҳбари


Махсус кутубхоналар орасида Самарқанд вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси алоҳида ўрин эгаллайди. Бу кутубхонанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бундан махсус ахборот тарқатувчи бўртма нуқтали, магнит тасмасига ёзилган китоблар, электрон дисклар ва вақтли нашрлар, шунингдек, сезиш ва тинглаб идрок қилиш учун мослаштирилган воситалардан фойдаланилади.

Самарқанд вилоят кўзи ожизлар кутубхонасига 1962 йил асос солинган бўлиб, дастлаб кўзи ожизлар жамияти қошидаги даъватхона шаклида иш бошлаган.

1970 йилдан 1971 йилга қадар А.С. Пушкин номидаги вилоят кутубхонаси (ҳозирги Ахборот-кутубхона маркази)нинг бўлими сифатида фаолият олиб борган.

1971 йилга келиб Самарқанд шаҳар Кўзи ожизлар кутубхонасига айлантирилган.

Мустақилликка эришгунимизга қадар кутубхонанинг фонди аҳоли талабларига жавоб бермасди. Ҳозирги кунда юртимизда ахборот-кутубхона тизимини ислоҳ қилишга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилди ва шулар натижасида бугунги кунда кутубхона фонди 16 545 нусхага етказилди. Ходимлар сони 3 нафардан 11 нафарга кўпайтирилди.



2014 йил 31 мартда Кўзи ожизлар кутубхонаси биносини қайта қуриш тўғрисида»ги 435-Қ–сонли Қарорига асосан вилоят кўзи ожизлар кутубхона биноси 526 миллион сўм бюджет маблағлари ҳисобига чиройли, шинам, замон талабларига мос равишда қайта қурилиб фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда вилоятда жами бўлиб, 9 та кўзи ожизлар кутубхоналари мавжуд бўлиб, шундан: 1 та вилоят кўзи ожизлар махсус ахборот-ресурс маркази ва 8 та шаҳар, туман кутубхоналаридир. Булар: Чархин кўзи ожизлар кутубхонаси, Каттақўрғон, Жума шаҳар кўзи ожизлар кутубхоналари, Булунғур, Тайлоқ, Ургут, Пойариқ, Нуробод туманлари кўзи ожизлар кутубхоналаридан иборат.

Вилоят Кўзи ожизлар кутубхонаси ва шаҳар, туман кутубхоналарида умумий китоб фонди 35 437 нусхани ташкил қилиб, шундан: бўртма нуқтали китоблар сони 8 274 нусха, босма ҳарфли китоблар сони 14 406 нусха, аудиовизуал китоблар сони 12 757 нусхани ташкил қилади.

Кутубхона фақат кўзи ожиз ногиронларга, балки барча турдаги китобхонларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Кутубхонада босма шаклдаги китоблар ҳам мавжуд бўлиб, ўқув юрти талабалари, мактаб ўқувчилари, яқин атрофдаги маҳалла аҳолиси китобхонлари ҳам кутубхонамиздан тўлиқ фойдаланиб келмоқда.

Бугунги кунда вилоятда жами 9 256 нафар кўзи ожиз ногиронлар истиқомат қилиб, шундан вилоят Кўзи ожизлар кутубхонаси ҳамда унинг шаҳар, туман кутубхоналари томонидан 6 267 нафарига хизмат кўрсатилмоқда.

Китоб фондини кўпайтириш мақсадида Қарши шаҳридаги «Мавҳумот олмига маълумот» тифлоахборот мажмуасидан бўртма ҳарфли китоблар олинмоқда.

Кутубхона жамоаси йил давомида кутубхонанинг анъанавий шаклини сақлаган ҳолда фойдаланувчилар билан ишлашнинг янги усулларидан фойдаланиш, адабиётлар тарғиботи, кўчма кутубхоналарнинг ишларини йўлга қўйиш, жойларда фойдаланувчилар талаб-истакларидан келиб чиқиб, қўшимча кўчма кутубхоналар ташкил этиш ишларини олиб бормоқда.

2016 йилда фойдаланувчилар томонидан 495 дона бўртма нуқтали китоблар совға қилинди. Шунингдек, Тошкент шаҳар «Санъат гулшани» овоз ёзиш студиясидан 50 нусха, Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасидан 13 нусха электрон диск совға тариқасида олинди.

Йил давомида ўтказиладиган тадбирлар кўзи ожизлар ўқув комбинати, кўзи ожизлар шаҳар маданият уйи, 59-сон мактаб интернати билан ҳамкорликда ўтказиб келинади.

Нафақадаги ҳамда кутубхонага келиш имконияти бўлмаган ногирон фойдаланувчиларга китобларни уйга элтиб бериш хизмати ташкил қилинган.

Бугунги кунда кўзи ожиз инсонларнинг замонавий ахборот технологияларидан эркин фойдаланиш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Бу борада улар учун яратилаётган компьютерларда ишлаш имконини берувчи махсус овозли дастурлар фаол кўмакчи вазифасини ўтамоқда. Жумладан, JAWS ва NVDA овозли дастурлари кўзи ожиз фойдаланувчиларга компьютерда ишлаш имконини беради.

Бундан ташқари, кутубхонада Интернет тармоғи ёки овоз ёзиш студияларидан ёзиб олинган гапирувчи китобларнинг электрон нусхалари ҳам мавжуд. Бу электрон китоблар кутубхона маркази компьютерлари хотирасига жойланган бўлиб, фойдаланувчиларга



флеш карталарига ёки электрон дискларга ёзиб бериш орқали ҳам хизмат кўрсатилмоқда.

Кутубхонада 2016 йилнинг июль ойидан эътиборан овоз ёзиш студияси иш бошлади. Фойдаланувчилар томонидан кўп сўраладиган китоблардан электрон аудио ресурслар яратилмоқда.

Вилоят Кўзи ожизлар кутубхонаси маъмурияти томонидан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2016 йилда кутубхона тўғрисидаги барча маълумотларни масофадан олиш ва янги адабиётлардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида кутубхонанинг www.samkok.uz деб номланган расмий веб сайти яратилди. У ҳозирги кунда ахборотлар билан бойитилмоқда.

Кутубхона ходимлари ёрдамида 10 нафар кўзи ожиз ижодкорларнинг ижод намуналари тўпланиб «Қалб кўзи» номли китоб икки минг нусхада кутубхона ҳомийлигида чоп этилди.

Самарқанд вилоят Кўзи ожизлар кутубхонасига 1962 йилда асос солинган бўлиб, дастлаб кўзи ожизлар жамияти қошида даъватхона шаклида иш бошлаган

Вилоят Кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг шаҳар, туман филиалларида умумий китоб фонди 35 437 донани ташкил қилиб, шундан; бўртма нуқтали китоблар сони 8 274 дона, босма ҳарфли китоблар сони 14 406 дона, аудиовизуал китоблар сони 12 757 донани ташкил қилади

Насиба Мирзаева, заведующая методико-библиографической службы библиотеки для слепых Самаркандской области

В статье представлена информация о деятельности областной библиотеки для слепых, которая находится в ведомстве Министерства по делам культуры и спорта Республики Узбекистан. Специализированная библиотека обслуживает слепых пользователей по Самаркандской области.

В 2014 году введено в эксплуатацию новое здание областной библиотеки слепых. На сегодняшний день в областной библиотеке имеется читальный зал, в котором есть возможность ежедневно знакомиться с новыми изданиями газет и журналов, также оборудован компьютерный читальный зал. В ведении библиотеки находятся 8 филиалов, которые расположены в центрах крупных районов, удобных для посещения. ■